

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСIIY  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 135 (9.479) 2000 йил 15 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

## Буюк аждодларимиз

# УЛУҒ АЛЛОМА, БЕНАЗИР МУТАФАККИР ЗОТЛАР

Мустақиллигимиз шарофати, Президент Ислом Каримовнинг улкан саъй-ҳаракатлари билан ўзининг тенгсиз ақл-заковати, тафаккур қудрати ва яратувчилик салоҳияти билан дунё илму маърифатининг бешигини тебратган ва ўзидан ҳеч ўчмас ном қолдирган Улғаб улуг боболаримизнинг муборақ сиймолари том маънода ҳаётимизда қайта тикланиб, халқимизнинг қалбини кўтариб, ғурурига ғурур кўшиб, жамиятимиз маънавий иқлимини тубдан ўзгартириб юборди.

Зотларнинг меросини ўқиб ўрганиш, бу алломалар шарафига мумтоз обидлар, файзли зиёратгоҳлар бунёд этилиши маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Фикр султони, ҳидоят йўлининг сарбони бўлган Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллуд тўйига ва ҳидоят йўлига бошловчи аллома Имом ал-Мотуридий таваллуд тўйига бағишлаб Марғилонда, аллома таваллуд топган маскан — Риштонда ва Самарқанд шаҳарларида бунёд этилган муқаддас зиёратгоҳлар ушбу улуг зотларнинг хотираси йўлида амалга оширилган хайрли ва бениҳоя савобли ишлар сирасига кирди.

Улғаб алломалар, беназир мутафаккир зотларга бешик бўлган муборақ Ватанимиз шу кунларда икки қўллуғ тўй арафасида турибди. Ислом қонунчилигида ўчмас эъ қолдирган буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллуднинг 910 йиллиги, қалом илмининг султони Имом Абу Мансур ал-Мотуридий хазратларининг 1130 йиллигини халқро микёсда нишонлаш арафасида турибмиз. Ҳар иккала улуг ва беназир аллома қолдирган бой маънавий мерос бениҳоя қимматлидир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллуднинг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги, «Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳижрий сана бўйича 910 йиллик таваллуд тўйини нишонлаш тўғрисида»-ги қарорларининг қабул қилиниши ана шу улуг

Зотларнинг меросини ўқиб ўрганиш, бу алломалар шарафига мумтоз обидлар, файзли зиёратгоҳлар бунёд этилиши маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Фикр султони, ҳидоят йўлининг сарбони бўлган Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллуд тўйига ва ҳидоят йўлига бошловчи аллома Имом ал-Мотуридий таваллуд тўйига бағишлаб Марғилонда, аллома таваллуд топган маскан — Риштонда ва Самарқанд шаҳарларида бунёд этилган муқаддас зиёратгоҳлар ушбу улуг зотларнинг хотираси йўлида амалга оширилган хайрли ва бениҳоя савобли ишлар сирасига кирди. Ҳуртимизда ана шу икки улуг зотнинг муборақ таваллуд кунлари муносабати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бугун Марғилон ва Самарқандда бунёд этилган муқаддас қадимлар бунёд ташриф буюрадиган азиз меҳмонларга мунтазир бўлиб турибди. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек «Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуг аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазодан асрайди, бизга қуч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради».



Ушбу суратда кулиб турган аёл хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Гўзал Назарова бошчилигидаги чевар қизлар тикаётган бежирим либослар аёлларимизга манзур бўлмоқда. СУРАТДА: Гўзал Назарова. Тохир Ниғматуллин олган сурат.

## МУНОСИБ ТҮЁНА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимлари томонидан улуг алломалар юбилейига бағишлаб бир нечта янги рисодалар чоп қилинди.

Институтнинг етакчи олимлари Маҳмуд Ҳасанининг «Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзган шарҳлар», «Устод ва шогирд Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Шайх-ул-имом аз-Зарнужий», Ҳамидхон Исмоилнинг «Абу Мансур Мотуридий», Одил Қориевнинг «Ал-Марғиноний ва унинг «Ҳидоя» асари, Шовсиэл Зиёловнинг «Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси» деб номланган рисодалари буюк алломаларнинг юбилейларига муносиб совға бўлди.

Ушбу рисодаларда буюк ватандошларимизнинг, хусусан Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ал Ҳидоя» асари ва унинг шарҳ олимлари ижодига тасвири, унга ёзилган қатор шарҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, иккинчи китобда Марғиноний шогирдлар етиштиришга қатъия қарор бергани, шулардан бири Зарнужий бўлиб, у ўз устозининг шәрҳларини бизгача етиб келиши учун хизмат қилган. «Устод ва шогирд»да Марғинонийнинг шәрҳлари кенг таҳлил қилиб берилган. Кейинги рисолада эса Мотуридийнинг «Тавҳид» асари ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари Алишер Навоийнинг Мотуридий ҳақидаги фикрлари алоҳида боб сифатида келтирилган.

Гулором ҲАМИДОВА.

## ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАБ

### БУГУН

Чилонзор тумани ҳокимлигида улуг аллома Имом ал-Мотуридий таваллуднинг 1130 йиллигига бағишланган «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тугган ўрни» ҳамда «Ҳамжихатлик ва бағрикенглик — тарраққиёт омилли мавзюида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова кириш сўзи билан очди. Шунингдек, йиғилишда Тошкент Ислам университетининг доценти У. Уватов «Имом ал-Мотуридий меросининг моҳияти», шу университетнинг маънавият ва маърифат бўйича проректори Р. Обидов «Имом ал-Мотуридий — исломшунослик», Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котибининг ўринбосари С. Олимов «Имом ал-Мотуридий Алишер Навоий наздида» («Насойим ул-муҳаббат» асарининг таҳлили) мавзюида маъруза қилди.

Дилором ИКРОМОВА.

Шаҳримиздаги тарих фанига ихтисослашган 216-мактабда ҳам шу қутлуғ санага бағишлаб семинар ўтказилди.

Ушбу семинар «Кўҳна тарихимиздаги ватанпарварлик, адолатпарварлик ва демократик ғояларни ўқувчилар онгига сингдиришда Имом ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний илмий меросларининг аҳамияти» мавзюида бўлиб, унда Юртбошимизнинг «Миллий мафкура бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган улмас эътиқодидир» деган фикрлари нақадар тўғрилиги семинар қатнашчиларига очик баён этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими Сурият Исҳоқов Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳақида, Ўзбекистон Миллий университетининг магистри Зиёвуддин Жўраев Имом ал-Мотуридийнинг фаолияти, бой адабий мероси ҳақида илмий маърузалар ўқидилар.

Мавжуда ВОҲИДОВА, Илҳомжон ЖАМОЛОВ.

## Алоқалар ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бугунги кунда Тошкент Ислам университетининг халқаро илмий ва маърифий алоқалари кенгайиб кетди. Қисқа вақт ичида олий ўқув юрти Америка, Англия, Франция каби мамлакатлар билан бир қаторда Саудия Арабистони, Кувайт ва бошқа давлатларнинг университетлари илмий марказлари билан ҳам ҳамкорлигини йўлга қўйди.

Миср Араб Республикаси билан яқин муносабат университет ўқув фаолиятини янада яқинлаштириш имконини бераётганини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари Миср Маданият маркази мисолида ҳам яқин кўриш мумкин.

Ушбу марказ билан ҳамкорликда олий ўқув юрти ҳузурида араб тилини ўргатиш бўлими ташкил топди. Шунини эътиборлики, бир ғуруҳ арабшунослар мутахассислар янги бўлимда машғулотлар олиб бориш истагини билдирдилар. Қоҳира ва Ахзар университетлари ўқитувчилари эса мазкур бўлимда талабаларга араб тилини ўргатишга киришилди.

Араб тилини ўргатиш бўлимида Миср маданият маркази таъбирлари ҳам амалга оширилди. Акбар ВАЛИЕВ.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий судида қасдан одам ўлдириб, терроризм, мамлакатимиз Конституцияси ва Президентига таъовуз қилиш, бошқача ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан бошланган суд жараёни 13 ноябрь кунин давом этди.

Суд мажлисида тарафлар музокараси бўлиб ўтди. Давлат қораловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э. Қудратов суд терговини давомда жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари ва видеоматериаллар ёрдамида судланувчиларнинг айби исботланганини таъкидлади. Шу билан бирга 9 нафар судланувчиларнинг оғил суддан яшириниб юрганигини ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътиборини қаратди.

Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм судланувчиларининг оғил суддан яшириниб юрганигини ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътиборини қаратди.

Давлат қораловчиси судланувчилар Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солих), Муродилла Козиев, Улугбек Бобожа- нов, Ҳомиджон Раҳмонов, Шавкат Каримов, Нажмиддин Жалолов, Йўлдош Умаров, Улугбек Маҳмудовга нисбатан олий жазо — ўлим жазоси қўллашнинг, Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукруровни эса 20 йилга озодликдан маҳрум этишни, барча судланувчиларнинг мол-мулкни мусодара қилишни суд ҳайъатинда сўради.

Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм судланувчиларининг оғил суддан яшириниб юрганигини ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътиборини қаратди.

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини 2000 йил 14 декабрь кунин Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Президент Ислам Каримов Оқсаройда пахтачилик масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ўртага ташлаган вазирлар, Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳўселини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳўсели учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилётган ишлар муҳокамасига бағишланган навбатдан ташқари ҳайбат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг кун тартибидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш ва кредитлашни такомиллаштириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги ишларнинг республика ҳудудларидаги таҳлилига оид масалалар ўрин олди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистонда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши ўтказилди. Унда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ишларининг якунлари муҳокама қилинди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида ҳамда иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда маюля органларининг маъқени янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан туман, шаҳар ва вилоят молия бўлимлари раҳбарларининг малакасини босқичма-босқич оширишга қаратилган махсус комплекс дастур ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус кўрсатмаси билан республика Гематология ва қон қуйиш институтида янги ихтисослаштирилган илмий лаборатория иш бошлади.

Кеча Фавқуллода вазиятлар вазирлигида «Оммавий қирғин қуролни қўллаш билан боғлиқ фавқуллода ҳолатларни тартибга солиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш»

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь кунин Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 ноябрь.

1. Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаати.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни тўғрисида
3. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
6. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
7. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Илмий-техника ахбороти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
11. «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
13. Бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

мавзюида халқаро семинар ўз ишнин бошлади. Абдор Ҳидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театрида Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг хайрли ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артисти, давлат мувофотларининг совриндори Шукор Бурҳонов хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Бугун республикамизда ёнғиндан сақлаш хавфсизлиги ойлиги бошланди.

### ЖАҲОНДА

Кеча Улан-Баторда бу ерга расмий ташриф билан келган Россия Президенти В. Путин билан Мўғулистон Президенти Н. Багабанди ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни яқинлаш ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан музокара олиб боришди. Россия Президенти Владимир Путин кеча Брунейга келди. Бу ерда у Осиде — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этади.

Кеча Киргизистон Президенти Аскар Акаев янги муддатта республика Президенти этиб сайланганидан сўнг биринчи марта халққа мурожаат билан чиқди. Унда мамлакатнинг келажақ тараққиёти билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди.

Бугун Козогистон Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Буюк Британияга келди. Бу ерда у қиролчида Елизавета II билан учрашиб, Бош вазир Т. Блар билан музокара олиб боради.

Кеча АҚШда ўтаётган Президент сайловлари натижалари эълон қилиниши керак эди. Бироқ Президентликка номзодлар Альберт Гор ва кичик Жорж Буш тарафдорлари сайлов бюллетенлари қалбакилаштирилган деган фикрни билдириб, унни янги шаклда ишлаб чиқариш ва ўтказиш талабини илгари суришди. Флорида штатининг федерал суди мулозимлари бугунги кунда қатта воқеа сифатида қаралаётган президентлик сайловлари натижалари борасида фикр билдирар экан, яқуний хулоса чиқариш учун яна бир неча кун керак бўлишини таъкидлашди.

Албания пойтахтининг янги мери Эди Рама қароргоҳи номаюль шахслар томонидан ўққа тутилди. Хабарларга қараганда, бу вақтда бино ичида бўлган кишилар жабр кўрмаган. Эди Рама бу жиноятда Албаниянинг собиқ президенти Сали Беришанинг қўли борлигини айтди.

БМТ Бош Ассамблеяси АҚШнинг Кубага нисбатан эълон қилган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинишини ёқлади. Бош ассамблея 55-сессиясининг навбатдаги мажлисида ушбу масала муҳокама қилинганда 167 давлат тақиққа қарши овоз берди. Уч мамлакат — АҚШ, Исроил ва Маршалл оролларигина қаршилик билдирди.

Кеча Покистоннинг Карачи шаҳрида Осиде энг йирик халқаро ҳарбий кўргазма очилди.

Кеча Москвада солиқ, божхона ва валюта-молия масалалари юзасидан Россия ва Беларусь иттифоқи вазирлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кеча Киевда ойллик иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланмаётганлигига қарши оммавий намойиш ва митинг ўтказилди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМ газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га ёзилишингиз мумкин.

Вақтни ганимат билиб газетанга обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI асрнинг биринчи кунидан бошлабоқ «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади.

Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Яққа обуначилар учун — 209  
Ташкилотлар учун — 563

Сўнгги йилларда маънавиятимиз тарихи, ислом дини, ўтмиш аждодларимиз меросига қизиқувчилар сонин ортиб бормоқда. Табиийки, тадқиқотларда уларнинг тарихига мурожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу йил мамлакатимизда Республикаимиз Вазирилар Маҳкамасининг қарори билан Самарқандлик буюк аллома ал-Мотуридий таваллуд йўлини кенг нишонланган арафасида. У бутун муслмон оламида диний назария, ислом илоҳийтини асослаш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган буюк аллома сифатида маълум ва машҳурдир. Бу назария, илоҳий фалсафаси янги дин атрофида вужудга келган қатор мунозаралар жараёнида IX-X асрларга келиб калом илми номи билан узил-кесил шаклланди.

Буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий сунний эътиқодидagi икки йirik калом мактабининг бири бўлиши Мотуридий мактабининг асосчиларидан ҳисобланади.

Табиийки, тадқиқотларда уларнинг тарихига мурожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бой миллий қадриятларимизнинг тарихини ўрганмай туриб, уларнинг буғунги ҳолатини таҳлил қилиш ва келажакда ҳақида фикр қилиш кийиндир. Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек: «Халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш таърихисини ўзда жамлаган миллий маданиятнинг ўрганиш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликти эга бўлиш йўлидаги ғоят муҳим қадамдир».

Бизга маълумки муслмон шарҳида барча етуқ алломалар Фихр (ислом қонуношунослиги), Хадис, тафсири ва бошқа ислом илмларини ўрганишга ўша вақтда ислом марказлари бўлиши Бағдод, Дамашқ, Куфа каби йirik шаҳарларга интилар эдилар. Аммо илоҳий, яъни ислом фалсафаси борасида Бухоро, Самарқанд ва Хоразм каби ўрта Осиё шаҳарларига йўл олар эдилар. Шу сабаб бўлса керак бу ўлкадан ислом оламига доғ таратган машҳур алломалар етишиб чиққандир.

Шулар қаторида калом илми соҳасида юксак чўққиларга эришган Самарқанд дийридан бўлиши мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридийни эслаб ўтиш жоиздир.

Абу Мансур ал-Мотуридий Абу Хасан Ашъарий билан биргаликда эски динлар эътиқодий қолдиқларини ғоявий жиҳатдан узил-кесил тугатиш ва муслмонларнинг мафкурасини тугатишга жуда катта хизмат қилганлар. Хар иккиси ҳам Ханафий мазҳабининг тарафдорлари эдилар. Уларнинг таълимотлари Мовароуннаҳр ва Туркияда кенг тарқалган. Шу билан бир қаторда йirik олимлар даврасида илмий бахслару мунозараларда иштирок этади ва илму толибларга дарс ҳам беришга улғуради. Бундан кўриниб турибдики, ал-Мотуридий ислом динини тарқатишда ва ўзидан кейинги авлодларга қусурсиз етказишда ўзига хос катта ҳисса қўшгандир.

Ўртинмишда шу кеча-кундузда айниқса, миллий мафкура яратиш мақсадига, аждодлар меросини ўрганишга, бир неча асрлик бой қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Президентини Исом Каримов таъкидлаб ўтгандек, «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантиришга ҳамда муштақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайдими». Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу масала ҳукуматимиз томонидан давлат сийсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Халқимиздан бир неча йиллар давомида аждодлар дини ҳисобланиб келаётган ислом динини ҳаёт жабхаларидан бутунлай чиқариб ташлашга ҳаракат қилинди. Совет тузумида ҳайит байрамлари, ҳаж маросимлари, фитр садака, масжидга бориш каби диний маросимларга секин-аста чек қўйила бошланди. Аждодларимиз мавладин меросига ҳам шу принциплар асосида ёндашилди, уларнинг табиат, жамият, инсон ҳақидаги — ҳамма вақт долзарб бўлиб келган муаммага ҳисобатан — илмий дунёқарашлари тўлалигича очиб берилмади.

Истиқлол натижадада республикамизда ҳамма виждон эркинлиги таъминланди. Яъни кишилар хоҳлаган динларига эътиқод қилиш ҳуқуқига ва уларни ўрганиш имконига эга бўлибдилар.

Ҳижрий унчи асрнинг охири ва тўртинчиларнинг бошида Мовароуннаҳрда ва Хоросонда Мотуридий ва Ашъарий эътиқодий калом мактаблари вужудга келди. Худди шу даврда ҳижрон синфларини асарига муътазиллар фикрасидан бўлиб, бу фикр эътиқодиди бирмунча тўғри йўлдан адашшиликлари бор эди. Нафақат муътазиллар, балки турли сиёсий-диний фикрлар хаворжийлар, қадрийлар, жаберийлар, мужрийлар мавжуд эди. Уларнинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин (маздакийлик, насронийлик) вакиллари билан бахсланишлари жараёнида калом (ақида) шаклланди. Ушбу тортишувларнинг натижасини Куръон тафсири ва ислом арболорларининг у ёки бу соҳада қилган амаллари талқини ташкил қиларди. Бу адашганлик исломга катта путур етказиши аниқ эди. Шунинг учун ал-Мотуридий ва ал-Ашъарийлар адашганликдан сақланиб, ўз таълимотлари билан катта бир жамонам эргаштиришга муссаар бўлидилар. Уларнинг бахс, мунозаралари тугган йўллари шундай эди: Куръон Карим асосий манба, ўз эътиқодларини билдиришда, изоҳлашда Куръонга таянадилар.

Ахли сунна ва жамоадагилар эътироф этадиган қоидалари ёки исом талаблари еттита: Аллоҳ таолонинг ягоналиги, фаришталарига муқаддас ҳисобланган китобларига, пайғамбарларига, охиратга, тақдирга ва инсон ўлгандан кейинги турли ҳолатига ишонидилар. Калом илми ҳам бошқа йиллар каби зарурдир. Хадис илми пайғамбаримиздан ривоят қилинган, айтилган гапларини ва ишларини ўргата, фикр илми шариат қонуношунослигини ўргата, калом илми эса ислом динида эътиқод қандай бўлишигича ўргатади.

Бизга маълумки, Абу Ханифа ёки тур мерос қолдирган: 1) Фихр оид ишлар; 2) ақидавий таълимот. Ал-Мотуридий шу таълимотга суянган. У замон талабидан келиб чиқиб, у таълимотни тараққий эттирди ва ислом фалсафасини ишлаб чиқди. Калом борасидаги ислоҳотларга, тўхталас. У ислом тарихида юзага келган барча мафкуравий қарашлардан фарқ қилди. Мотуридий ақидадан нақадар Куръон, хадис ва ақл-идрок, мантиқ ва ҳақиқатга яқин эканлигини ғувоҳи бўлишимиз мумкин. У ўзининг таълимоти борасидаги кўпгина фикрларини «Китоб ат-Тавҳид» асарига баён этгандир. Хусусан, ўша тоифадаги фикрларга қарши шундай сўзларни айтди: «Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва таъриба билан иш қилишга буюрганини тўшнар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир».

Ал-Мотуридий таълимоти муътазиллар каби фақат

ақлга суяниш эмас, балки ақл билан нақлни қўшиб фойдаланиши зарур деб билади. Ақида борасидаги унинг қўшган яна бир улкан ҳиссаси шуки, ўша даврларда жуда кўп фикрлар эътиқод борасида ўз фикрлари билан муслмон ахлини турли йўлларга бошлар эдилар. Ал-Мотуридий шунга чек қўйишда ва бу ўлкада ягона ақида тизими (яъни ханафий мазҳабидаги) ўрнатилди улкан ҳисса қўшди. У барча ақида борасидаги бахсли мавзуларни ҳар бир фикрга далиллар асосида исботлаб берди. Бунинг натижасида турли хилдаги майда оқимларнинг кўпайиши олди олинди. Юқорида айтиб ўтилганидек, буларнинг барчаси унинг шох асари бўлиши «Тавҳид»да ўз аксини топган.

Мутақаллим ислом илоҳийотида қазо ва қадар (яъни инсон тақдир) борасида ҳам ўзининг мулоҳазаларини баён этган. У инсонда танлаш эркиниги бор деган иборани қўлаган. Яъни инсон қандай ишни лозим топса ўшани бажаради. Инсон қандай йўлни танлаши ўзининг ихтиридалигига аллома катта эътибор беради. Бу ибора ҳозирги кунимизда демократик жамиятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ал-Мотуридий ўз таълимоти: аъналар ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳий мактабининг ривожланишига катта улш қўшди. Илоҳий илмларнинг тўла шаклланиб, такомилга етишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизим (система)га солиштириб катта бир ишни амалга оширди ва ханафий таълимотининг ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан ҳамбарчас боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. У яратган таълимот ислом динининг буюқ ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди.

Лекин ханузгача ислом динининг асл муҳитини тўлалигича етказиб беришда айрим жузъий камчиликлар мавжуддир. Айрим чала савод мулларар, отинчалар бундан фойдаланиб чет элардан кириб келаётган ҳар хил диний экстремистик оқимларни тарғиб қилиб юрибдилар. Балки бу «давлатчиларни» чет элик «хомийлар» маблағ, адабиётлар билан таъминламоқдалар. Бу ишда хоржий кўпоровчи тақшилотларнинг ҳам иштироки сезилмоқда. Халқимизга бу таълимотларнинг тарихи, турли жиҳатлари ҳақида маълумотлар бериш долзарб масала бўлиб қолди. Шу боис ҳукуматимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва режалаштирилмоқда. Дастлаб Имом ал-Бухорийнинг таваллуд йиллари нишонланиши ҳамда 2000 йилда ал-Мотуридий, Бурхониддин ал-Марғиноний таваллуд йилларининг кенг нишонланишини айтиб ўтиш лозим. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1999 йил Тошкент Исом университети очилди. Бу махсус илмий марказнинг дастлабки вазифалари шу минтақадаги бой ислом меросини ўрганишга мўлжалланган. Республикаимиздаги мавжуд қадимий кўлзма асарлар ва тошбосма китобларда улқамиз, миллатимиз ва динимизнинг тарихи акс эттирилган.

Улар орасида диний илмларга оид бўлган манбалар ҳам салмоқли ҳиссани ташкил этади. Бу диний илмларнинг муҳитини тўлуқлиқ асл манбаларга суяниш даркор. Аждодларимиз томонидан яратилган шу соҳадаги фундаментал асарларни ўрганиш ва улар устида тадқиқотлар олиб бориш катта самара беради ва алоҳида роль ўйнайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ҳозирги кунга қадар ҳам эътибор берилган ислом фани соҳалари — фикр ва каломни баъзи бир томондан ўрганиш ўз вазифамиздир.

У кишининг барча устозлари машҳур олим Абу Ханифа ан-Нўъмон ибн Собитининг (вафоти 767 йил, яъни Имом Аъзам) талабаларидан тахсил олганлар. Улардан бизга маълум бўлганлари Абу Бакр Аҳмад ал-Журжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Йоидий каби фикр ва калом олимларини ўзининг устози деб билиган.

Энди унинг шогирдлари келсак, улар кўпчиликини ташкил этишган. Ал-Мотуридий шогирдлари орасида ислом оламига машҳур алломалар бу Абу ал-Хасан ар-Рустуғундий (вафоти 350/961), Исхон Абу Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абд ал-Карим ал-Паздавий (вафоти 390/999), Абу Аҳмад ал-Йоидий каби олимлар бор эди. Шогирдлари ўз устозларини жуда ҳурмат қилишган, ҳатто унинг таълимотини давом эттиришганиги тўғрисида Мотуридий оқими вужудга келган. Бу оқим Ханафий мазҳабидаги барча Мотуридий тарафдорларини ташкил этади.

Ал-Мотуридий ҳаёти ҳақидаги дастлабки муҳим маълумотни Абу ал-Муин ал-Насафий (ваф. 508/1114 й.) беради. У Самарқанд калом мактабининг ўзининг «Табсират ал-адила» асарига тавсифлаган. Аини вақтда унинг калом борасидаги илми ва ҳаракатларини эътироф қилган. Қариб бир вақтининг ўзиде ал-Насафининг замондоши Абу ал-Иусур ал-Паздавий (ваф. 493/1100 й.) ўзининг «Усул ад-дин» асарига ал-Мотуридий ҳақида ҳам маълумотлар келтирган. Унда кўпроқ мактовлар ва Мотуридийнинг калом борасидаги фикрлари баён этилган.

Ушбу мактабининг ривожланишига ва ҳозирги кунгача етиб келишида бир қанча ўрта осийлик алломаларининг ўрни жуда катта бўлган. Мотуридий калом мактабининг кўзга қўрилган намояндалариде: мутакаллим Абу ал-Муин ан-Насафий (ваф. 508/1114 й.), қонуношуно, тилшунос олим Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. тахминан 1145 йил), фақиҳ Фахр ал-Исом Абу ал-Хасан ал-Паздавий (ваф. 482/1089 й.), мутакаллим Абу ал-Йусур Муҳаммад ал-Паздавий (ваф. 493/1100 й.), тарихнавис, географ ва фақиҳ Нажмиддин Абу Хафс Умар ан-Насафий (вафоти 1142 йил) шу каби алломаларни айтиб ўтиш даркор. Бу калом мактабининг ривожига кейинги асрларда ҳам ўрта осийлик кўплаб алломалар ўз хиссаларини қўшганлар. Улардан бири Саъдидин Масуд ибн Умар ат-Тафтазоний (вафоти 1390 йил), Хожа Муҳаммад Порсо (вафоти 1420 йиллари) кўрсатиш мумкин.

Аллома Абу Мансур ал-Мотуридий ўз соҳасида шундай етуқ, шундай иктидорли, сермахсул олим бўлганлигига, фикр доираси кенглигига муслмон оламидаги йirik-йirik олимлар ҳам юксак баҳо берганлар, у киши ҳақида то шу вақтга қадар буюқ эътиром билан ёндадилар.

Демак, ўз даврида ва ундан кейинги вақтларда ҳам ал-Мотуридийнинг асарларини истаган мухосилари кўп бўлганидан далолат беради. Ҳатто ал-Мотуридийни улғулаб Имом ал-Худа ва Имом ал-мутакаллим (Ҳидоят йўли имом ва мутақаллимлар имом)и каби номлар билан ҳам аташган. Баъзи манбаларда Раис ахли сунна вал жамоа ибораси ҳам учрайди.

Хуллас, ўзбек халқи ўзининг ватандоши, машҳур олим ал-Мотуридий билан фахрланиши мумкин. Ханафий мазҳабидаги Мотуридийнинг калом мактабининг тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Шундай экан, бу калом мактабининг илмий ва ижодий меросини кенг илмий жамоатчиликка ва халқимизга таништириш вақти келди деб ўйлаймиз.

Шоислий ЗИЁДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти унв. илмий ходими.

Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ал-Фарғоний ар-Ришоний ал-Марғиноний 511/1118 йилнинг ражаб ойида Фарғонанинг Риштон туманида дунёга келган. У киши кўпроқ Бурхониддин ал-Марғиноний номи билан машҳурдир. Дастлабки таълимни Марғилонда олди. Ешлик пайтидаёқ Куръон Каримни ёд олиб, ҳадис илмини мукамал ўрганган. Кейинчалик Самарқандга кўчиб ўтиб, истикомат қилиб илмий фаолият олиб борган. Аллома 1197 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

У зот анча бой илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларидан «Мухторот мажмаъ ун-навозил» («Нозил бўлган нарсаларнинг танланган тўплами»), «Китоб ул-тажис» (Мувофиқлаштириш китоби), «Китоб ул-мазид» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Китоб ул-фарозис» («Фарзлар китоби»), «Китоб ул-мунтаҳий» («Танланган китоб»), «Бидоят ал-муътади» («Бошловчилар учун бошланғич таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Маносик ал-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «ал-Ҳидоя» («Тўғри йўлга қўрсатма») ва бошқа қатор асарлари маълум.

Мовароуннаҳрда X-XII асрлар илм-фан юксак даражада ривожланган давр бўлди. Бу даврда бошқа илм соҳалари сингари фикр илми соҳаси ҳам сомонийлар ҳукмронлиги (819-1005) ва қорахонийлар ҳукмронлиги (999-1211) давридан ўтди. Қорахонийлар даврида ҳам қатор махаллий фақиҳ олимлар етишиб чиқди. Шамс ул-аимма ал-Халвоний, Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф.1096-97), Фахр ул-ислом ал-Баздавий, Ифтихор уд-дин ал-Бухорий (ваф.1147-48) шулар жумласидандир.

Ханафий мазҳаби уламолари мутахассислар оятлари билан асосланишининг таҳлилу шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-ахлоқий масалалар юқори ўринда турган. Жамият асосини, негизини ташкил этувчи оилага катта аҳамият берилиб, кишиларни оила ва жамият олдидаги масъулиятини алоҳида таъкидланган ва уларни бу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини мукамал белгилашларига эътибор берилган. Афтидан ўша даврда жамиятда жоҳилият давридан мерос қолган гайринисоний меъёрларнинг мавжудлиги кўп ҳолларда унинг тараққийтини турли босқичларида салбий таъсир қўрсатган. Натижада давр руҳи ва талабидан келиб чиқиб, алломалар айнан долзарб мавзуларга эътиборларини кўпроқ қаратган ва ўз асарларида акс эттирилганлар.

«Ал-Ҳидоя» асари асрлар давомида уламолар дунёга тарқатишга кўп қўлларни берган. У турли даврларда кўплаб шарҳ, ҳошия ва қисқартмалар битилган. Ўрта Осиёда бу асар хатто асримизнинг 30-йилларида совет суд тизими жорий қилгунга қадар амалда қўлланиб келинган. Қатор ислом мамлакатларида ҳозир ҳам муслмон ҳуқуқининг асосий манбаларидан ҳисобланади. Ундан ташқари у кўплаб ислом энциклопедиялари, жумладан ислом оламида энг машҳур олийгоҳ Қоҳирадаги ал-Азхар университетиде ханафий мазҳаби фикр илми бўйича асосий қўлланма сифатида ўқитиб келинмоқда. Мазкур асарнинг ўнлаб кўлзма ва язлаб босма нусхалари дунёнинг дегурли барча муслмон мамлакатлари ва шунингдек, қатор Европа мамлакатлари ва АКШнинг қўлзма хазиналарида сақланаётгани буюқ аждодимиз илмий меросига бўлган чексиз қизиқининг намунасиридир.

«Ал-Ҳидоя» асари бир неча асрлар давомида муслмон мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда ҳам ислом ҳуқуқи назария сифатида маълум бўлди. Асар аслида араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. «Ал-Ҳидоя»нинг рус тилига қилинган дастлабки буюқ аждодимиз илмий меросига бўлган инглиз тилидан ўғирилган ва 1893 йилда Тошкентда чоп этилган. 1994 йилда эса Тошкентда бу асарнинг 1-китоби А.Х.Савдов сўзбошиси ва таърири остида нашр этилди. Бурхон уд-дин ал-Марғиноний машҳур фикшунос олим бўлиб танилган бўлсада, илмий мероси Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатларда ҳам ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Бу йил мамлакатимиз ҳукумати қарори билан юртимизда аллома Бурхон уд-дин ал-Марғиноний ҳазратларининг таваллуд саналарини нишонлаш халқимиз маданий ва маънавий ҳаётида уркан воқеа бўлди. Озод мамлакатнинг эркин халқи буюқ бобокалони хотирасига муносиб эътиром бажо айлади.

«Ал-Ҳидоя» асари 1191 йилда ёзиб тугатилган. Унда барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобга баён этилган. Китоблар ўз навбатида фаслар ва боғларга бўлинган бўлиб, натижада энг муҳим қоида ва меъёрлар батафсил ва изчил очиб берилган. Бу асарнинг бошқа турдош асарлардан фарқлантириб турадиган жиҳатларидан яна биттаси унда ҳуқуқий мезонларни шариатнинг асосий манбалари Куръон Карим, Пайгамбар алайҳиссалом сўнатлари, ижмо ва қиёсдан олинган далиллар билан асосланганлигидир.

«Ал-Ҳидоя» даги қонун-қоидалар Куръон каримнинг 31 та сурасидан келтирилган

ган 153 оят билан 218 ўринда асосланган. Маълумки, «Ал-Ҳидоя» имом Абу Хусайн ал-Кудурийнинг (вафоти 428/1037) — «Мухтасар ал-Кудурий» асари шарҳи ҳисобланади. Унда чиндан ҳам ҳуқуқий масалалар матни «Мухтасар ал-Кудурий» дан айнан олинган ва ҳатто алоҳида харфлар билан ажратиб ёзилган. Лекин шунга қарамай, шуниси диққатга сазоворки, «Ал-Ҳидоя» «Мухтасар»да зикр этилмаган талағича мавзулар бор. Ҳуқуқий масалаларнинг баён этиш тартиби ўзгача ва баъзи ўринларда «Ал-Ҳидоя» муаллифи «Мухтасар»дан фарқли ҳулосалар беради. Мазкурлардан келиб чиқиб «Ал-Ҳидоя» асарини фақатгина «Мухтасар ал-Кудурий»нинг шарҳига эмас, балки ислом ҳуқуқшунослиги ақида мустақил асар деб ҳисоблаш хато бўлмади.

Маълумки Куръони каримда ҳуқуқий меъёрларга алоқадор уч юзга яқин бевосита ёки билвосита ҳуқм чиқарувчи оятлар мавжуд. «Ал-Ҳидоя» асарида шулардан ярмидан кўпроги зикр қилинган ва асарнинг қанчалик залворли ва келтирилган далиллари қувватли эканлигидан далолат беради.

Унда ибодат масалалари биринчи ўринда келтирилган ва уларнинг ичиде «Ҳаж китоби»да қоидалар энг кўп марта 32 ўринда оятлар билан асосланган. Шунга қарамай ундан ҳам кўпроқ муомала ақомлариде; жумладан «Талок китоби»да қоидалар 40 ўринда оят билан асосланган. Бундан ташқари «Никоҳ китоби» — 16, «Гувоҳлар ҳақидаги китоб» — 11, «Ҳазолат китоби» — 9, «Жиноятлар китоби» — 8 ўринларда Куръони карим оятлари билан асосланган.

«Ал-Ҳидоя» да ҳукмларни Куръони карим оятлари билан асосланишининг таҳлилу шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-ахлоқий масалалар юқори ўринда турган. Жамият асосини, негизини ташкил этувчи оилага катта аҳамият берилиб, кишиларни оила ва жамият олдидаги масъулиятини алоҳида таъкидланган ва уларни бу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини мукамал белгилашларига эътибор берилган. Афтидан ўша даврда жамиятда жоҳилият давридан мерос қолган гайринисоний меъёрларнинг мавжудлиги кўп ҳолларда унинг тараққийтини турли босқичларида салбий таъсир қўрсатган. Натижада давр руҳи ва талабидан келиб чиқиб, алломалар айнан долзарб мавзуларга эътиборларини кўпроқ қаратган ва ўз асарларида акс эттирилганлар.

«Ал-Ҳидоя» асари асрлар давомида уламолар дунёга тарқатишга кўп қўлларни берган. У турли даврларда кўплаб шарҳ, ҳошия ва қисқартмалар битилган. Ўрта Осиёда бу асар хатто асримизнинг 30-йилларида совет суд тизими жорий қилгунга қадар амалда қўлланиб келинган. Қатор ислом мамлакатларида ҳозир ҳам муслмон ҳуқуқининг асосий манбаларидан ҳисобланади. Ундан ташқари у кўплаб ислом энциклопедиялари, жумладан ислом оламида энг машҳур олийгоҳ Қоҳирадаги ал-Азхар университетиде ханафий мазҳаби фикр илми бўйича асосий қўлланма сифатида ўқитиб келинмоқда. Мазкур асарнинг ўнлаб кўлзма ва язлаб босма нусхалари дунёнинг дегурли барча муслмон мамлакатлари ва шунингдек, қатор Европа мамлакатлари ва АКШнинг қўлзма хазиналарида сақланаётгани буюқ аждодимиз илмий меросига бўлган чексиз қизиқининг намунасиридир.

«Ал-Ҳидоя» асари бир неча асрлар давомида муслмон мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда ҳам ислом ҳуқуқи назария сифатида маълум бўлди. Асар аслида араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. «Ал-Ҳидоя»нинг рус тилига қилинган дастлабки буюқ аждодимиз илмий меросига бўлган инглиз тилидан ўғирилган ва 1893 йилда Тошкентда чоп этилган. 1994 йилда эса Тошкентда бу асарнинг 1-китоби А.Х.Савдов сўзбошиси ва таърири остида нашр этилди. Бурхон уд-дин ал-Марғиноний машҳур фикшунос олим бўлиб танилган бўлсада, илмий мероси Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатларда ҳам ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Бу йил мамлакатимиз ҳукумати қарори билан юртимизда аллома Бурхон уд-дин ал-Марғиноний ҳазратларининг таваллуд саналарини нишонлаш халқимиз маданий ва маънавий ҳаётида уркан воқеа бўлди. Озод мамлакатнинг эркин халқи буюқ бобокалони хотирасига муносиб эътиром бажо айлади.

«Ал-Ҳидоя» асари 1191 йилда ёзиб тугатилган. Унда барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобга баён этилган. Китоблар ўз навбатида фаслар ва боғларга бўлинган бўлиб, натижада энг муҳим қоида ва меъёрлар батафсил ва изчил очиб берилган. Бу асарнинг бошқа турдош асарлардан фарқлантириб турадиган жиҳатларидан яна биттаси унда ҳуқуқий мезонларни шариатнинг асосий манбалари Куръон Карим, Пайгамбар алайҳиссалом сўнатлари, ижмо ва қиёсдан олинган далиллар билан асосланганлигидир.

«Ал-Ҳидоя» даги қонун-қоидалар Куръон каримнинг 31 та сурасидан келтирилган

«Ал-Ҳидоя» асари 1191 йилда ёзиб тугатилган. Унда барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобга баён этилган. Китоблар ўз навбатида фаслар ва боғларга бўлинган бўлиб, натижада энг муҳим қоида ва меъёрлар батафсил ва изчил очиб берилган. Бу асарнинг бошқа турдош асарлардан фарқлантириб турадиган жиҳатларидан яна биттаси унда ҳуқуқий мезонларни шариатнинг асосий манбалари Куръон Карим, Пайгамбар алайҳиссалом сўнатлари, ижмо ва қиёсдан олинган далиллар билан асосланганлигидир.

«Ал-Ҳидоя» даги қонун-қоидалар Куръон каримнинг 31 та сурасидан келтирилган

«Ал-Ҳидоя» асари 1191 йилда ёзиб тугатилган. Унда барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобга баён этилган. Китоблар ўз навбатида фаслар ва боғларга бўлинган бўлиб, натижада энг муҳим қоида ва меъёрлар батафсил ва изчил очиб берилган. Бу асарнинг бошқа турдош асарлардан фарқлантириб турадиган жиҳатларидан яна биттаси унда ҳуқуқий мезонларни шариатнинг асосий манбалари Куръон Карим, Пайгамбар алайҳиссалом сўнатлари, ижмо ва қиёсдан олинган далиллар билан асосланганлигидир.

«Ал-Ҳидоя» даги қонун-қоидалар Куръон каримнинг 31 та сурасидан келтирилган

«Ал-Ҳидоя» асари 1191 йилда ёзиб тугатилган. Унда барча ҳуқуқий масалалар 57 та китобга баён этилган. Китоблар ўз навбатида фаслар ва боғларга бўлинган бўлиб, натижада энг муҳим қоида ва меъёрлар батафсил ва изчил очиб берилган. Бу асарнинг бошқа турдош асарлардан фарқлантириб турадиган жиҳатларидан яна биттаси унда ҳуқуқий мезонларни шариатнинг асосий манбалари Куръон Карим, Пайгамбар алайҳиссалом сўнатлари, иж



